

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 9 сентябрь, № 187 (9358) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ВА СЕРБИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сербия Республикаси Президенти Александр Вучичнинг таклифига биноан 7-8 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



8 сентябрь куни Белграддаги Сербия саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Сербия Президенти Александр Вучич давлатимиз раҳбарини самимий қарши олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Сербия давлат мадҳиялари янгради, артиллерия тўпларидан ўн марта ўқ узилиб, тантанали салют берилди.

Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сербия Республикаси Президенти Александр Вучичнинг юзма-юз ва расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Сербия етакчисига самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Президентининг Белградга илк ташрифи мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда янги босқичнинг бошланиши сифатида тарихга киришини таъкидлади.

Сиёсий мулоқот, парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда ишбилармонлик ва гуманитар алмашинувлар фаоллашгани катта мамнуният билан қайд этилди. Келажакда дипломатик ваколатхоналар очилиши ва парламентлараро форум ташкил этилиши муносабатларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқалар ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдеворига айланмоқда. Йил бошидан буён юқори даражадаги делегациялар иштирокида қатор иқтисодий тадбирлар муваффақиятли ташкил этилди.

Ўзаро савдо ҳажмини, биринчи навбатда, талаб юқори бўлган товарлар етказиб беришни кенгайтириш ҳисобига ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Эркин савдо тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, стандартлаштириш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро кўргазмалар ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, келгуси йили Ўзбекистон Белград шаҳрида бўлиб ўтадиган “EXPO — 2027” халқаро кўргазмасида ўзининг миллий павильони билан фаол иштирок этиши қайд этилди.

Транспорт ва логистика, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, тиббиёт ва рақамли иқтисодиёт каби устувор йўналишларда янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Автомобиль қисмлари, ускуналар, электротехника ва электроника ишлаб чиқариш борасида саноат кооперациясини ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Барча келишувларни сифатли амалга ошириш мақсадида 2026 — 2028 йилларга мўлжалланган саноатда шерикликни ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Ҳудудлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги хусусида сўз борди. Етакчилар Самарқанд вилояти ва Воеводина автоном ўлкаси ҳамда Самарқанд ва Нови-Сад шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилганини олқишладилар.

Гуманитар соҳада таълим, маданият, спорт ва туризм йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ташаббуслар илгари сурилди. Маданият кунлари, кино, театр ва мусиқа фестивалларини биргаликда ўтказиш ҳамда спорт федерациялари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришга келишиб олинди.

Тартибли меҳнат миграцияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сербия томони ушбу соҳада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишга қизиқиши юқори экани қайд этилди. Президентлар ташриф доирасида Меҳнат мобиллиги ва миграцияси тўғрисидаги битим қабул қилинганини олқишладилар.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, кўп томонлама тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди.

Эришилган келишувлар, қабул қилинган қарор ва битимларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида кенг қамровли “Йўл харитаси” қабул қилинади.

Белград шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қўшма декларацияни имзоладилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурида икки томонлама ҳужжатлар алмашилди, жумладан:

– Меҳнат мобиллиги ва миграцияси тўғрисида;

– Автомобиль транспортида йўловчи ва юкларни халқаро ташиш тўғрисида;

– Ҳудудлараро ҳамкорлик тўғрисида;

– Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида;

– Божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида;

– Эркин савдо тўғрисидаги битим бўйича музокараларни бошлаш учун ишчи гуруҳ тузиш тўғрисида;

– Қайта тикланувчи энергетика ва “яшил” технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

– Фармацевтика ва биотехнологиялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

– Туризм ва маданий сафарлар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

– Ўрта йўлакни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

– Темир йўл инфратузилмаси соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

– Иқтисодий дипломатия соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

– Кинематография соҳасида ҳамкорлик қилиш ва қўшма фильмлар ишлаб чиқариш тўғрисида;

– 2026 — 2028 йилларда маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида;

– Меҳнат хавфсизлиги ва соғлиқни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

– Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилиш ва уларнинг жамиятдаги мавқеини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

– Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

– Рақамлаштириш, электрон ҳукумат ва замонавий технологияларни қўллаш соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида;

– Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

– Самарқанд вилояти ва Воеводина автоном ўлкаси ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида.

Белград шаҳридаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Сербиянинг олий давлат мукофоти — Катта занжирли Сербия Республикаси ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатлар ўртасидаги кўп қирали муносабатларни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун давлатимиз раҳбарига ушбу орденни Сербия Президенти Александр Вучич топширди.

Давлатимиз раҳбари юксак мукофот учун чуқур миннатдорлик билдириб, уни Сербия халқининг Ўзбекистонга бўлган юксак ҳурмати, мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга қатъий интилиш рамзи деб билишини таъкидлади.

Сербия Республикаси ордени хорижий давлатларнинг таниқли арбобларига халқлар ўртасида тинчлик, ҳамкорлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаш ҳамда республика билан дўстона алоқаларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сербияга расмий ташрифи доирасидаги тадбирларнинг навбатдагиси Белград кўчаларидан бирига Тошкент номини бериш маросими бўлди.

Етакчилар мазкур қарор бугун стратегик шериклик даражасига кўтарилган Ўзбекистон — Сербия кўп қиррали муносабатларининг жадал ривожланиб бораётганининг ифодаси эканини таъкидладилар.

Тошкент кўчаси халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашга қатъий интилишнинг ёрқин рамзига айланишига ишонч билдирилди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич қўшма бизнес форумида иштирок этдилар.

Тадбирда икки мамлакатнинг 200 нафардан зиёд расмий ва ишбилармон доира вакиллари, етакчи саноат ва савдо корхоналари раҳбарлари, хусусан, Сербиянинг “Galenika”, “AbelaPharm”, “Gosa FOM”, “YUMCO”, “Luss Textile” каби компаниялари қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида самарали ўтган олий даражадаги музокаралар икки томонлама алоқаларда янги саҳифа очганини таъкидлади. Ўзбекистон ва Сербия ўртасида стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилгани асосий натижа бўлди.

Ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотлар турини кенгайтириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳисобига ўзаро савдо ҳажмини бир неча баробар ошириш бўйича марра белгиланган. Саноат кооперациясини ривожлантириш мақсадида 2026 — 2028 йилларга мўлжалланган қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти иқтисодий шерикликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди. Тўқимачилик ва электротехника маҳсулотлари, автомобиль ва саноат бутловчи қисмларини биргаликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, фармацевтика препаратларини маҳаллийлаштириш, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, дастурий таъминот ва сунъий интеллект соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш шулар жумласидан.

Мамлакатимиз етакчиси Сербия бизнеси учун юртимизда қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яратишга ҳамда ҳар бир қўшма лойиҳани амалга оширишда амалий кўмак кўрсатишга тайёрлигини билдирди.

Якунда қатор икки томонлама иқтисодий битимлар ва савдо шартномалари имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сербияга расмий ташрифи якунланди. Белград шаҳридаги Никола Тесла номидаги халқаро аэропортда олий мартабали меҳмонларни Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич ва рафиқаси кузатиб қўйди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Муносабат

ЎЗАРО ИШОНЧДАН АМАЛИЙ ШЕРИКЛИК САРИ

Ўзбекистон ва Сербияни географик жиҳатдан минглаб километр масофа ажратиб турса-да, бу икки мамлакатни ўзаро ҳурмат, ишонч ҳамда манфаатли ҳамкорликка интилиш каби муштарак мақсадлар яқинлаштиради. Глобал ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиётидаги янги тенденциялар ва халқаро бозорларда рақобатнинг кучайиши шароитида давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг мазмун-моҳияти ҳам ўзгармоқда.

Бугунги замонавий дунёда дипломатик алоқаларнинг самараси, аввало, уларнинг амалий натижалари билан ўлчанади. Савдо айланмасининг ўсиши, инвестицияларнинг кўпайиши, янги корхоналарнинг ишга туширилиши, замонавий технологияларнинг кириб келиши, экспорт бозорларининг кенгайиши ва янги иш ўринларининг яратилиши — давлатлараро ҳамкорликнинг халқлар ҳаётидаги энг муҳим кўринишларидир.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич таклифига биноан амалга оширган расмий ташрифи Ўзбекистон — Сербия муносабатларини янги босқичга олиб чиқиш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида очиқлик, ўзаро манфаатдорлик ва прагматизм каби тамойилларнинг устувор аҳамият касб этиши турли минтақалардаги давлатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, янги бозорларга чиқиш, инвестиция ва технологияларни жалб қилиш имкониятларини каррасига оширмоқда.

Сербия билан муносабатларда ҳам ана шу ёндашув кўзга яққол ташланади. Ўзаро сиёсий мулоқотнинг изчил ривожланиши иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратаётир. Чунки сиёсий даражада ўзаро ишончнинг пайдо бўлиши тадбиркорлар учун муҳим сигналдир. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар барқарор ва прогноз қилинадиган бўлса, бизнес учун янги бозорларга кириш, инвестиция киритиш, қўшма корхоналар ташкил этиш ҳамда узоқ муддатли лойиҳаларни амалга оширишда муаммолар бўлмайди.

➡ 2

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич таклифига биноан амалга оширган илк расмий ташрифи мамлакатимизнинг очиқ, прагматик ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсатининг яна бир муҳим ифодасидир. Ушбу ташриф Ўзбекистон ҳамда Сербия ўртасидаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН САҲИФАСИ

Пойтахт Белград шаҳрида Ўзбекистон Президенти ташрифи шарафига ташкил этилган расмий қабул маросимида икки давлат ўртасидаги анъанавий дўстона алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш учун яратилаётган имкониятлар алоҳида таъкидланди. Айниқса, Ўзбекистон делегацияси ташрифи шарафига пойтахтдаги “Кула Белград” осмонўпар биносининг давлатимиз байроғи рангларида ёритилгани икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва самимий муносабатларнинг рамзий ифодаси бўлди. Бундай эътибор халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг нафақат расмий мулоқотларда, балки жамоатчилик вакиллари томонидан ҳам юксак қадрланаётганини кўрсатади.

Бугунги глобаллашув шароитида давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг мазмуни ва самарадорлиги, энг аввало, уларнинг амалий натижалари билан белгиланади.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ХАЛҚЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда судьяларнинг мақоми билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, давлат харидларида шаффофликни таъминлаш ва рақобат муҳитини кенгайтириш ҳамда саноат, радиация ва ядровий хавфсизлик бўйича назорат самарадорлигини оширишга қаратилган қатор қонун лойиҳалари, шунингдек, парламент назоратига доир масалалар кўриб чиқилди.

Улар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталар, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилингани қайд этилди. Мунозаралар давомида депутатлар томонидан муҳим таклиф ва амалий тавсиялар билдирилгани, халқ вакиллари кўтарилган масалалар бўйича мутасаддилардан батафсил жавоблар олгани уқтирилди.

Саноат хавфсизлиги талаблари кучайтирилади

Мажлисда дастлаб саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.



Бу билан амалдаги қонун ҳужжатларига саноат, радиациявий ва ядро хавфсизлиги ҳамда атом энергиясидан фойдаланиш йўналишларида давлат назорати тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳалардаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

➡ 3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 9 сентябрь

Акс садо

ИНВЕСТОРЛАР УЧУН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИ



Ўзбекистоннинг стратегик жойлашуви уни минтақавий савдо ва транзит жараёнларининг муҳим иштирокчисига айлантирмоқда. Янги транспорт йўлакларини ривожлантириш, логистика инфратузилмасини модернизация қилиш ва ташқи бозорларга чиқиш географиясини кенгайтириш мамлакат иқтисодий стратегиясининг муҳим қисмидир.

Ўз навбатида, Сербиянинг Европа иқтисодий маконидаги ўрни эса Ўзбекистон тадбиркорларига минтақа бозорларига чиқиш имкониятларини тақдим этиши мумкин. Шу жиҳатдан транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни фақат юк ташиш масаласи сифатида эмас, балки икки қитъа ўртасидаги иқтисодий кўприк ўрнида кўриш лозим.

Президентимизнинг ушбу мамлакатга ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Сербиянинг расмий ҳамда ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-форум ўтказилиши ҳам алоҳида эътиборга молик. Чунки ҳар қандай давлатлараро келишувнинг ҳақиқий самараси унинг бизнес майдонида қанчалик тез ва самарали ҳаётга татбиқ этилиши билан белгиланади.

Бизнес-форумлар тадбиркорлар учун нафақат мулоқот майдони, балки аниқ шерик топиш, бозорни ўрганиш, инвестиция лойиҳаларини муҳокама қилиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш учун муҳим платформа ҳисобланади. Шу маънода, давлат идоралари томонидан яратилган сиёсий ва ҳуқуқий заминни хусусий секторнинг ташаббуслари билан тўлдириш зарур. Тадбиркорлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар қанчалик кўпайса, келишувларнинг амалий натижаси ҳам шунчалик юқори бўлади.

Инвестиция, аслида, ишончнинг иқтисодий кўринишидир. Инвестор ўз маблағини муайян мамлакат ёки соҳага киритар экан, ўша ердаги иқтисодий барқарорлик, қонун устуворлиги, бозор истиқболи ва ҳамкорлик муҳитига ишончини билдиради. Ўзбекистонда сўнгги йилларда инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик учун янги имкониятлар яратиш ва хорижий инвесторлар билан ишлаш механизмларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратиляпти.



Бугун Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсатида прагматик ёндашув устувор. Яъни дўстона ва ишончли муносабатлар аниқ иқтисодий манфаатларга, инвестициялар янги иш ўринларига, технологиялар эса рақобатбардош маҳсулот ва хизматларга айланиши керак. Бу тамойил Ўзбекистон — Сербия муносабатларига ҳам тўлиқ тааллуқли.

Эришилган келишувлар қоғозда қолиб кетмаслиги, балки корхоналар, қўшма лойиҳалар, янги экспорт шартномалари ва инвестиция ташаббуслари кўринишида ҳаётга татбиқ этилиши муҳим. Ҳар бир янги лойиҳа икки мамлакат тадбиркорлари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди, ҳар бир янги корхона эса иқтисодий алоқаларни янада барқарор қилади.

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сербияга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг янги мазмун билан бойиб бораётганини намоён этмоқда. Бу фақат дипломатик мулоқот эмас, балки сиёсий ишончни иқтисодий шерикликка айлантириш, мавжуд салоҳиятни аниқ лойиҳаларга йўналтириш ва узоқ муддатли ҳамкорлик учун янги имкониятларни очиш жараёнидир.

Энг муҳими, мазкур жараённинг марказида инсон ва унинг фаровонлиги турибди. Янги корхона — янги иш ўрни, янги технология — янги касб ва имконият, янги экспорт бозори — мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ортиши демакдир.

Ўзбекистон ва Сербия муносабатларида бугун ишончдан амалий шериклик сари дадил қадам ташланмоқда. Бу қадамлар изчил давом этса, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик нафақат сиёсий мулоқот, балки саноат, инвестиция, технология, савдо ва инсон капитали соҳаларидаги узоқ муддатли, ўзаро манфаатли шерикликнинг муҳим намунасига айланиши мумкин.

Шавкат ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси.

ЎЗАРО ИШОНЧДАН АМАЛИЙ ШЕРИКЛИК САРИ

1

Белградаддаги олий даражадаги музокараларда иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик масалаларига катта эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки сиёсий ишончни амалий шерикликка айлантириш учун, энг аввало, бизнес ва инвестиция лойиҳаларини кўпайтириш зарур.

Ўзбекистон ва Сербия ўртасида ўзаро савдони кенгайтириш зарур омил саналади. Бунда нафақат товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, балки унинг таркибини диверсификациялаш ҳам муҳим. Яъни ҳамкорликни анъанавий товарлар савдоси билан чеклаб қолмасдан, юқори қўшилган қийматга эга саноат маҳсулотлари, технологиялар ва хизматлар улушини ошириш мақсадга мувофиқ.

Икки мамлакат бизнес вакиллари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтириш, экспорт-импорт операцияларини соддалаштириш ва янги кооперация занжирларини йўлга қўйиш эса келгуси даврдаги асосий вазифалардан бири бўлиши табиий.



Замонавий иқтисодиётда оддий савдо муносабатларидан кўра саноат кооперацияси юқорироқ иқтисодий самара беради. Чунки қўшма ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, балки технология, тажриба ва янги бошқарув усулларининг кириб келишини таъминлайди.

Шу маънода, Президентимизнинг Сербияга ташрифи икки мамлакат муносабатларини янги амалий мазмун билан бойитиш, мавжуд салоҳиятни қўшма лойиҳаларга айлантириш ва узоқ муддатли иқтисодий шериклик учун мустаҳкам замин яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Аксавли ТУМИШОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН САҲИФАСИ

1

Шу боис ҳамкорликни фақат сиёсий мулоқот доирасида эмас, балки иқтисодиёт, инвестиция, инновация, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳалар билан бойитиш муҳим. Ўзбекистоннинг Европа давлатлари билан ўзаро манфаатли шерикликни изчил ривожлантираётгани ана шу стратегик ёндашувнинг амалий ифодасидир.

Белградаддаги Сербия саройида икки давлат раҳбарларининг юзма-юз ва расмий делегациялар иштирокидаги музокараларида кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу музокаралар, аввало, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш учун муҳим имкониятлар яратади. Айниқса, Эркин савдо



тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш, саноат кооперациясини ривожлантириш ҳамда 2026 — 2028 йилларга мўлжалланган саноат шериклиги бўйича қўшма ҳаракатлар режасининг қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эга. Бу келишувлар Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги инвестицияларни жалб этиш ва маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, тартибли меҳнат миграцияси соҳасида Ўзбекистон ҳамда Сербия ўртасида Меҳнат мобиллиги ва миграцияси тўғрисидаги битимнинг қабул қилиниши ҳам муҳим қадамдир. Мазкур келишув хорижда ишлаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда меҳнат миграциясини тизимли тартибга солишга қаратилганлиги билан аҳамиятли. Депутат сифатида ушбу келишувларнинг амалиётда самарали ижроси, айниқса, фуқароларимиз учун яратиладиган имкониятлар ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиш муҳим, деб биламан.

Сербия билан олий даражадаги мулоқотнинг янги босқичга кўтарилиши Ўзбекистоннинг Болқон минтақасидаги ташқи сиёсий позициясини кучайтиради. Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, янги ҳамкорлик йўналишларини белгилаш ва амалий лойиҳаларни илгари суриш учун муҳим сиёсий замин яратади.

Халқ вакили сифатида таъкидлаш жоизки, давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда парламентлараро дипломатиянинг ўрни беқиёс. Депутатлик корпуси вакиллари ўртасидаги мулоқот ва тажриба алмашинуви икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мазмунли қилишга кўмак беради.

Президентимизнинг Сербия Республикасига ушбу тарихий ташрифи Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболларини очиб, икки халқ манфаатларига хизмат қиладиган аниқ ва самарали лойиҳаларга мустаҳкам замин яратишига ишонамиз.

Шоира РАЖАБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТОЗА ҲАВО, ОЗОДА ҲУДУД, СОҒЛОМ ТУРМУШ

БАРЧАМИЗГА БИРДЕК КЕРАК

Маълумотларга кўра, биргина Наманган вилоятининг ўзида жорий йилнинг ўтган даврида белгиланмаган жойга чиқинди ташлаган 1 200 нафарга яқин фуқароларга нисбатан 550 миллион сўмдан зиёд жарима қўлланилган.

Масъул ташкилот ҳуқуқбузарни жаримага тортди ва ундирди. Хўш, шу билан муаммога ечим топилдими? Нега белгиланмаган жойларга чиқинди ташлаш фуқаролар томонидан тез-тез содир этилади? Бунинг сабаби чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ муаммоларми ёки бефарқлик? Бугунги кунда чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва қайта ишлаш борасидаги натижалар қониқарлими?

Ободлик

Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутатлари айни масалаларни сессия кун тартибига киритар экан, соҳадаги натижа ва камчиликлар яққол ойдинлашди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ҳудудда бажарилишини чуқур ўрганди.

Маълум бўлишича, ҳозирги кунда маиший чиқиндиларни ташиш билан тўртта санитар тозалов корхонаси шуғулланади. Саккизта чиқинди полигонининг олтитаси маиший чиқиндиларга, қолган иккитаси қурилиш ва заҳарли чиқиндилар учун ихтисослаштирилган. Вилоят бўйича жами 63 та чиқинди йиғиш майдони мавжуд бўлиб, яна 52 та шундай масканга зарурат бор. Мингдан зиёд чиқинди контейнерлари ўрнатилган ва яна 326 тасига эҳтиёж аниқланган. Айни шу омиллар сабабли ноқонуний чиқинди тўкиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Чиқиндини қайта ишлаш борасидаги ишларнинг суслиги ҳам соҳадаги долзарб муаммолардан бири.

— Маиший чиқиндилар санитар корхоналарида махсус транспорт воситалари етишмаслиги, айримларининг техник носозлиги баъзи ҳудудлардан чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилишига салбий таъсир қилгани маълум бўлди, — дейди халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати Расулжон Тўйчиев. — Масалан, Уйчи ва Норин туманларидан февраль — апрель ойларида чиқинди 10 — 20 кунлаб олиб кетилмаган. Натижада айрим фуқаролар уларни яширинча дала четлари ва сув бўйларига ташлаб кетган. Шунингдек, хизмат кўрсатувчи корхоналар талаб даражасида ишламагани ҳолда, “Тоза макон” биллинг тизимига уланиб олиб, чиқинди тўлови учун қарздорларни электр тармоғидан узиб қўйгани аҳоли норозилигини келтириб чиқарган.

Депутатларнинг аниқлашича, санитария корхоналари билан 10 фоизга яқин тадбиркорлар шартнома имзолаган, холос. Оқибатда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳам белгиланмаган жойларга чиқиндиларни ташлаш ҳолатлари кузатилган. Қонунчилик талабларига кўра, тадбиркор ўзига тегишли бўлган савдо дўкони, умумий овқатланиш корхоналари, кичик цехлар ва бошқа субъектлар ҳудудида чиқинди қутилари ўрнатишлари лозим бўлса-да, аксарият ҳолатларда бу ишлар қилинмаган. Бу ҳам, ўз навбатида, ноқонуний чиқинди майдонлари пайдо бўлишига олиб келган.

Юқоридаги қарорга асосан, кўп хонадонли уйлар атрофидаги ҳудудларда, марказий майдонларда, йўлакларда ҳамда магистраль кўчаларнинг пиёдалар серқатнов ҳудудларида ҳар 50 метрдан ва одам кам жойларда 100 метрдан ошмаган масофада биттадан чиқинди қутиси ўрнатилиши белгиланган. Аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжлари ва ҳордиқ чиқаришини қондириш учун мўлжалланган объектларда, хусусан, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбон ва бошқаларда ҳар 800 квадрат метр майдонга битта ва йўлкалар чизиғи бўйлаб ҳар 40 метрга бир донадан чиқинди қутиси ўрнатилиши кўрсатиб ўтилган. Бироқ вилоятдаги ҳеч бир объектда бу меъёрга риоя қилинмаган.

Сессияда мутасадди ташкилот ва масъулларга бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, ишларни такомиллаштириш юзасидан зарур топшириқлар берилган эди. Ўтган давр мобайнида қандай ўзгаришлар бўлди?

— Ҳозирги кунда вилоят бўйича кунига ўртача 1350 — 1400 тонна, йилига эса 530 минг тоннадан ортиқ чиқинди ҳосил бўлади, — дейди вилоят Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси бош мутахассиси Отабек Жўрабоев. — Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Наманган шаҳар, Янги Наманган, Давлатобод туманларининг кўп қаватли хонадонлар ва аҳоли гавжум жойларига 400 дан кўп контейнерлар ўрнатилди. Мазкур ҳудудларда 8 та чиқинди йиғиш майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 17 та ноқонуний ташкил қилинган чиқиндихона бартараф этилиб, ўрни ободонлаштирилди. Носоз бўлган 20 та махсус чиқинди ташувчи техника шай ҳолатга келтирилиб, жадвал бўйича маҳаллаларга жалб қилинди. Бугунги кунда 260 дан зиёд махсус техника воситалари чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати билан шуғулланиб келмоқда.

Албатта, бу яхши. Аммо ҳудудлардаги сунъий ҳосил бўлаётган ноқонуний чиқиндихоналарга қараб, аҳолининг бу борадаги маданиятини шакллантиришда ҳам жиддий камчиликлар борлигини англаш қийин эмас.

“Наманган мусаффо иқлим” МЧЖ раҳбари Нодиржон Мирзаев бу ҳақда шундай дейди:

— Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб вилоятимизнинг тўртта туманига хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. 106 та махсус техникамиз мавжуд. Айни пайтда ҳудудларни қамров даражаси 100 фоизга етди. Ушбу манзилларда ҳафтасига икки маротаба хизмат машиналари қатнови йўлга қўйилганига қарамай, аксарият фуқаролар томонидан ҳали-ҳануз маиший чиқиндиларни йўлларнинг четига ташлаб кетиш ёки сувга оқизиш ҳолатлари учрайди. Аҳолидан бундай ножўя ҳолатларни содир этмасликларини илтимос қилиб қолардик.

Маиший ва саноат чиқиндиларини бошқариш тизимининг мукаммал ташкил этилиши атроф-муҳит тозалиги, хавфсизлигининг кафолатидир.

— Ҳозирги кунда дунё тажрибасида “айланма иқтисодиёт” деган тушунча кенг қўлланилмоқда. Бунда чиқинди муаммо эмас, балки ресурс сифатида кўрилади, — дейди вилоят Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси шуъба бошлиғи Ҳасанбой Сатимов. — Чунки чиқиндидан халос бўлиш фақатгина атроф-муҳит озодалигининг омили эмас, балки иқтисодий самарадорлик ва экологик хавфсизликнинг ўзаро мутаносиблиги ҳамдир. Вилоятда ушбу тизимни такомиллаштириш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиляпти. Айни пайтда Чуст туманидаги “Зарафшон” МФЙ ҳудудида Хитой компанияси иштирокида қиймати 141,5 млн. АҚШ доллари бўлган завод қурилиши жадал олиб борилаётир. Чиқиндиларни термик усулда қайта ишлаб, йилига 35,0 МВт электр энергияси ишлаб чиқарувчи ушбу лойиҳа кунига 1,5 минг тонна маиший чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга. Қурилиш тугагач йилига 547,5 минг тонна чиқинди қайта ишланиб, тахминан 300 минг нафар аҳолининг йиллик эҳтиёжига яраша электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Албатта, чиқинди муаммоси биргина Наманган вилояти учун эмас, юртимизнинг барча ҳудуди учун бирдек аҳамиятли ва долзарб. Аҳоли сонининг кун сайин ошиши, урбанизация сабаб маиший чиқиндилар ҳажми ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Кенг жамоатчилик ўртасида экологик маданиятни ошириш, чиқиндиларни саралаш тизимини барқарор ривожлантириш, қайта ишлаш, тиббий ва хавфли чиқиндиларни алоҳида утилизация қилиш орқалигина ушбу экологик масалага самарали ечим топиш мумкин. Зеро, тоза муҳит — бу соғлом жамият, соғлом жамият эса фаровон келажакнинг пойдевори.

Дилноза ҲАЙИТОВА
(«Халқ сўзи»).

Сенаторлар — ҳудудларда

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИДА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

Қонунларнинг самарали ижросини таъминлашда нафақат давлат органлари, балки халқ депутатлари Кенгашларининг ҳам масъулияти катта. Шу боис депутатларнинг аҳоли билан мулоқотини кучайтириш, қонунчиликдаги янгиликларни атрофлича тушунтириш ва уларнинг ҳудудлардаги ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини йўлга қўйиш муҳим саналади.

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов Андижон вилоятида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, котибият мудирлари ҳамда тегишли ташкилот ва идораларнинг масъул ходимлари билан учрашув ўтказди.

Унда Сенатнинг ўн саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти, амалиётга жорий этилиши натижасида кутилаётган муҳим ўзгаришлар, уларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдаги ўрни ҳақида батафсил маълумот берилди.

Бундан ташқари, учрашув давомида Андижон вилоятида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Хусусан, айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар сонининг ортиши, кибержиноятлар салмоғининг юқорилиги, шунингдек, муаммоли маҳаллаларда профилактика ишларини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур йўналишда профилактика чоратадбирларининг манзилли ва тизимли ташкил этилиши, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тушунтириш ишларини кучайтириш, жиноятчиликка мойил шахслар билан индивидуал ишлаш ҳамда депутатлик назоратининг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Учрашув

ФАРОВОН КЕЛАЖАК КАЛИТИ – БИЛИМДА!

Янги ўқув йили муносабати билан олий таълим ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган “Келажак соати” маърифий дарслари ўтказилмоқда. Ушбу дарсларда йигит-қизларга Ватанимизнинг шонли тарихи, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт босқичи ҳамда ёшларнинг мамлакат келажагини барпо қилишдаги ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Бундай маърифий тадбирларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳам фаол қатнашяпти.

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Маматкаримов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида янги ўқув йили бошланиши муносабати билан уюштирилган тадбирда иштирок этди ва мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, эришилган натижалар ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритди.

Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳусан Эрматов Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида, сенатор Икромхон Нажмиддинов эса Наманган давлат педагогика институтида янги ўқув йилининг бошланиши ҳамда биринчи босқич талабаларини кутиб олишга бағишланган тантанали тадбирларда қатнашди.

Сенаторлар мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, тизимда эришилган натижалар, шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун яратилган имкониятлар ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Таълим соҳасини ривожлантириш, уни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, йигит-қизларнинг сифатли таълим олиши ва илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, ёшларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши муҳим экани таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Сиэтлда Ўзбекистон Бош консулхонаси очилди.

ХАЛҚЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



1 Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда атом энергиясидан фойдаланиш бўйича нормалар ва қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда. Қолаверса, кейинги йиллардаги маъмурий ислоҳотлардан келиб чиқиб, бир қатор қонунларда тегишли органларнинг ваколатлари, ҳуқуқий мақоми аниқлаштирилиб, ўзгартиришлар киритиляпти.


Шунингдек, лойиҳада превентив чораларни кучайтириш, хусусан, “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар қўллашга оид қоидалар назарда тутилмоқда. Бу соҳадаги субъектлар масъулиятини ошириш ва қонунчилик талабларига риоя этилишини кучайтиришга хизмат қилади.

Мунозаралар давомида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан бир қатор ишлар амалга оширилгани, жумладан, депутатлар таклиф ва тавсиялари асосида ҳужжат матни янада такомиллаштирилгани қайд этилди. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини инобатга олган ҳолда айрим нормалар лойиҳадан чиқарилгани, баъзилари амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилиб, мазмунан аниқлаштирилгани ва таҳририй жиҳатдан такомиллаштирилгани уруғланди.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан аниқлаштирувчи саволлар кўтарилди, қатор таклифлар илгари сурилди. Хусусан, атом энергиясидан фойдаланиш бўйича нормалар ва қоидаларни бузганлик учун қўлланилиши таклиф этилган жазо чорасини қайта кўриб чиқиш таклифи муҳокамаларга сабаб бўлди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Лойиҳада атом энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузган фуқароларга БҲМнинг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўттиз бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима солиниши таклиф этиляпти. Атомдан хавфсиз фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида жавобгарлик чоралари кучайтирилаётгани айни муддао, буни қўллаб-қувватлаймиз. Бироқ худди шу ҳуқуқбузарлик бир йил ичида такрор содир этиладиган бўлса, фуқароларга ва мансабдор шахсларга қўлланиладиган жарима миқдоридаги ўсиш улуши бир хил эмас. Яъни такроран шу ҳуқуқбузарликка йўл қўйган мансабдор шахсга солинадиган жарима миқдори 2 баравар, фуқарога нисбатан эса 3 карра кўпайтирилаётгани жазо чорасининг мутаносиблик тамойилига тўғри келмайди. Шу ўринда мутаносибликка риоя қилинишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.



Қизғин фикр-мулоҳазалардан сўнг масъул қўмита ва депутатлар томонидан ушбу таклиф қўллаб-қувватланди. Қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳаси саноат хавфсизлиги, радиацияви ва ядровий хавфсизлик бўйича тегишли органларнинг ваколатларини аниқлаштиришга, мавжуд қоидаларни ҳамда бошқа талабларни бузганлик учун таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик ва етарлилик принципларига риоя этилишини таъминлашга, ушбу соҳалардаги давлат назорати самарадорлигини оширишга ҳамда олиб борилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Судьялар мақоми қонун даражасида белгиланмоқда

“Судьяларнинг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат судьяларнинг мақомини алоҳида қонун даражасида белгилаш ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан судьялик лавозимига номзодлар учун айрим талаблар қайта кўриб чиқилмоқда. Хусусан, судья ва халқ маслаҳатчилари учун ёш цензини 35 дан 30 ёшга тушириш кўзда тутилган.

Судьяни дастлаб 5 йилга, кейин эса муддатсиз даврга тайинлаш тартибини жорий этиш, судья, суд раиси ва раис ўринбосари лавозимларига қўйиладиган талабларни кучайтириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, лойиҳада судьялар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари билан боғлиқ нормалар акс эттирилмоқда.

Лойиҳа билан “истеъфодаги судья” институти миллий қонунчиликка жорий қилинмоқда. Истеъфодаги судьяга бошқа ҳуқуқлар қаторида профессионал медиаторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилмоқда. Бундан ташқари, Олий суд ва қуйи судлар аппарати фаолиятини янада самарали ташкил этишга доир айрим нормалар киритилмоқда.

Муҳокама чоғида депутатлар судьяларнинг мақомини алоҳида қонун даражасида белгилаш суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судьяларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Халқ вакиллари томонидан қонун лойиҳаси билан белгиланаётган нормаларнинг амалиётда самарали ишлашини таъминлашга қаратилган таклифлар билдирилди. Айрим аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди.

Гулнора АБДУВОҲИДОВА,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:



— “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 76-моддасида судьяга нисбатан қўлланиладиган интизомий жазо чоралари, яъни огоҳлантириш, ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима, малака даражасини бир поғонага пасайтириш, ваколатларини муддатидан илгари тугатиш кўрсатиб ўтилган. “Судьяларнинг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳасида интизомий чоралар қаторига янги қўшимча банд “қуйи судьялик лавозимига ўтказиш” киритилмоқда. Савол шундайки, қуйи тизимдаги судьялар, яъни шаҳар ва туманлардаги судьялар қай тартибда қуйи тизимга ўтказилиши мумкин?

Қонун ташаббускорлари ушбу савол юзасидан батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилиниб, иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида маромига етказишга келишиб олинди.

Давлат харидларида ҳисобдорлик

Мажлисда давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат билан давлат харидлари бўйича ҳисобдорликни кучайтириш, харидлар тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш ҳамда давлат буюртмачилари фаолияти устидан назорат механизмларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда. Хусусан, давлат харидларида сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги маълумотларни ҳудудлар кесимида эълон қилиб бориш таклиф этиляпти. Бу орқали давлат харидларининг ҳудудлар бўйича ҳолатини таҳлил қилиш, қайси турдаги товар ва хизматларга талаб юқори эканини кузатиб бориш ҳамда харид жараёнларининг очиқлигини ошириш имконияти яратилади.

Лойиҳада давлат харидлари устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар таркибига давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилган давлат харидлари натижаларини киритиш ҳам назарда тутиляпти. Бунда тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилган харидлар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ҳисоботларда алоҳида акс эттириш белгиланмоқда. Бу депутатларга бюджет маблағларининг давлат харидлари орқали қандай сарфланаётганини тизимли таҳлил қилиш, харид усуллари ва натижаларини баҳолаш ҳамда зарур ҳолларда парламент назорати чораларини қўллаш имкониятини кенгайтиради.

Қонун лойиҳасида давлат харидлари жараёнида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тадбиркорларнинг давлат харидлари жараёнида юзага келадиган шикоятларини жойларда тезкор кўриб чиқиш мақсадида Давлат харидларига алоқадор шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг доимий фаолият юритувчи ҳудудий комиссияларини ташкил этиш таклиф қилинмоқда. Бу эса шикоятларни жойларда тезроқ кўриб чиқиш, низоларни қисқа вақтда ҳал этиш, тадбиркорларнинг вақт ва харажатларини тежашга хизмат қилади.

Муҳокама давомида депутатлар давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлигини ошириш, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича ахборотларни парламент назорати доирасига киритиш ҳамда тадбиркорлар шикоятларини тезкор кўриб чиқиш механизмларини кучайтириш давлат харидлари тизимида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашга йўл очишини таъкидлашди.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар давлат харидларида соғлом рақобат муҳитини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларининг харид жараёнларида фаол иштирокини рағбатлантириш ҳамда бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволлар кўтарилди.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:



— “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга “Аукционда битта иштирокчи иштирок этган тақдирда, аукцион ўтказилган деб ҳисобланади”, деган норма киритиш таклиф қилиняпти. Бу аукцион табиатига қанчалик тўғри? Шунингдек, лойиҳа билан ушбу қонунга янги — “жамоатчилик муҳокамаси” институтини киритиш илгари суриляпти. Яъни қонун лойиҳаси “Давлат буюртмачилари томонидан тендер савдолари натижаларига кўра расмийлаштирилган баённомалар давлат харидлари махсус ахборот порталига жойлаштириш орқали камида икки иш куни давомида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади” ёки “Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар улар тузилишидан олдин камида бир иш куни давомида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади”, деган нормалар билан тўлдирилмоқда.

Хўш, ушбу харидлар юзасидан жамоатчилик муҳокамасида келиб тушган таклиф ёки эътирозлар давлат буюртмачиси томонидан инобатга олинадими ёки йўқми? Жамоатчилик муҳокамасининг ҳуқуқий оқибати қандай бўлади?

Қонун ташаббускорлари ушбу саволларга атрофлича изоҳ беришди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Парламент сўровига юборилган жавоб кўриб чиқилди

Депутатлар маданият вазири О. Назарбековнинг “Болалар мусиқа, санъат ва ихтисослаштирилган мактабларидаги таълим сифатини ошириш, уларнинг зарур жиҳозлар билан таъминланиш ҳолати тўғрисида”ги парламент сўровига жавобини ҳам кўриб чиқишди.

Мамлакатимизда маданият ва санъат таълимини ривожлантириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинган Президентнинг 20 дан ортиқ фармон ва қарорлари асосида соҳанинг ҳуқуқий ва институционал асослари мустаҳкамланиб, 8 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 22 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, малака ошириш маркази ҳамда илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Шу билан бирга, депутатлар эътибор қаратганидек, соҳада таълим сифатини янада ошириш учун моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мусиқа чолғулари ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш, тор ихтисосликлар бўйича педагог кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш каби масалалар долзарблигича қолмоқда.

Парламент сўровига жавобда ҳудудларда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилган. Жумладан, Бухоро, Қарши ва Урганч шаҳарларида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари фаолияти йўлга қўйилган. Урганчдаги муассаса биноси реконструкция қилиниб, зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда. Намангандаги мактаб-интернат биносини эса қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Мажлисда таълим муассасаларининг мусиқий созлар билан таъминланганлик ҳолатига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Вазирлик маълумотига кўра, 2025/2026 ўқув йили якуни бўйича ўтказилган хатловда болалар мусиқа ва санъат мактабларидаги 1 229 та миллий ва 1 483 та Европа мусиқа чолғу асбоблари маънан эскирган ёки фойдаланишга яроқсиз экани аниқланган. Айни пайтда муассасаларда жами 9 779 та мусиқа чолғусига эҳтиёж мавжуд бўлиб, уларни харид қилиш учун 115,9 млрд. сўм талаб этилади.

Эҳтиёжни босқичма-босқич қоплаш мақсадида 2023 — 2025 йилларда 5,7 млрд. сўм маблағ ҳисобидан 4 789 та миллий мусиқий созлар харид қилинган. 2026 йилда эса 27 та мактабга 71 та фортепиано етказиб берилган. Бундан ташқари, 6,4 млрд. сўм эвазига 19 номдаги 158 минг нусха ўқув адабиётлари ва нота тўпламлари тарқатилган.

Келгусида мактабларни ўқувчилар контингенти ва ҳақиқий эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда манзилли жиҳозлаш режалаштирилган.

Мажлисда санъат таълими сифатини таъминлашда педагоглар ва концертмейстерларнинг касбий маҳорати ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани қайд этилди. Шу мақсадда олис ҳудудларга малакали мутахассисларни жалб қилиш, тор ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ҳамда педагогларни моддий рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилмоқда.


Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳам муайян натижаларга эришилмоқда. 2025 йилда 1 063 нафар, 2026 йил август ҳолатига 703 нафар педагог малака ошириш курсларидан ўтган. 2025-2026 йилларда аттестация натижаларига кўра 5 680 педагогнинг малака тоифаси кўтарилган.

Соҳада бошқарув жараёнларини рақамлаштиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Madaniyat ERP” ахборот тизими орқали ўқувчиларни қабул қилиш, уларни синф ва гуруҳларга тақсимлаш, педагогларга бириктириш, ўқув юкламалари ҳамда кадрларга оид маълумотларни электрон юритиш имконияти яратилган.

Тизимни Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва “UzASBO” билан интеграция қилиш эса бошқарув жараёнларининг шаффофлиги ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:

— Муҳокамада соҳада амалга оширилаётган ишларни эътироф этган ҳолда, мавжуд муаммоларга ечим топиш суръатини ошириш зарурлигига эътибор қаратдик. Хусусан, мактаблар қувватини мавжуд талабга мос равишда кенгайтириш, таъмирталаб муассасаларни манзилли дастурларга киритиш, яроқсиз мусиқа чолғуларини босқичма-босқич янгилаш, педагог ва концертмейстерлар етишмовчилигини бартараф этиш ҳамда рақамлаштириш ишларини якунигача етказиш устувор вазифалар сифатида белгиланди.



Мажлисда парламент сўровида кўтарилган масалалар бўйича вазирлик томонидан атрофлича маълумотлар тақдим этилгани айтилиб, вазирнинг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТАНАСИ ИҚТИСОДИЁТ БЎЛСА, УНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ МАЪНАВИЯТДИР

Дунё шиддатли суръатда ўзгармоқда. Бугун илм-фан ва технологиялар тараққиёти инсоннинг имкониятларини кенгайтириб, яшаш шароитларини осонлаштираётир. Рақамли технологиялар, сунъий интеллект, янги касблар, замонавий ишлаб чиқариш ва коммуникация воситалари жамият ҳаётининг деярли барча жабҳасига кириб келди.

Келажакнинг мураккаб ва шиддатли жараёнларига қандай авлод билан бориш ҳақидаги савол ҳар бир давлат олдида кўндаланг туради. Бу саволнинг жавоби, аввало, таълим ва тарбияга бориб тақалади. Бундай шароитда ёш авлоднинг таълим-тарбияси, дунёқараши, маънавий қиёфаси ва келажакка бўлган ишончи масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, мамлакатнинг эртанги куни бугун мактаб партасида, аудиторияда, касб-ҳунар ўрганаётган устахонада, илмий лабораторияда, китоб мутолаа қилаётган ёш қалбда шаклланади.


Нуқтаи назар

Тараққиётнинг икки қаноти

Ёшларнинг қандай билим эгаллаши, қанақа муҳитда улғайиши, кимлардан ибрат олиши, ҳаётга қандай мақсад билан кириб келиши — буларнинг барчаси жамият тараққиётининг келажакдаги қиёфасини белгилайди. Бундай шароитда мамлакат ривожини фақат иқтисодий кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажми ёки технологик янгиланишлар билан ўлчаш етарли эмас. Чунки ҳар қандай юксалиш марказида инсон туради. Унинг билими, тафаккури, дунёқараши, маънавий қиёфаси ҳамда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси эса жамиятнинг ҳақиқий кучини белгилайди.

Шу маънода, ёшлар ҳақида сўз юритиш аслида Ўзбекистоннинг эртанги куни, келажакдаги тараққиёти ва миллатнинг маънавий қиёфаси ҳақида фикр юритиш, демак.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Бу таълим ва тарбия олдида турган энг муҳим вазифаларни англаш учун ўзига хос мезондир. Чунки иқтисодиёт тараққиёт учун имконият яратади, маънавият эса ана шу имкониятлардан қандай фойдаланишимизни белгилайди. Иқтисодий қудрат давлатнинг моддий салоҳиятини мустаҳкамласа, маънавий камолот эса жамиятнинг ички таянчини кучайтиради. Демак, тараққиётнинг икки қаноти бор, десак, муболаға бўлмайди. Биринчи қанот билим ва иқтисодий салоҳият бўлса, иккинчи қанот — маънавият ва инсоний фазилатлардир. Бу икки қанотнинг кучи мувозанатда сақланмаса, жамиятнинг юксак марралар сари парвози ҳам тўлақонли бўлмайди.



Бугун ёшларни “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлод” деб атаяпмиз. Бу улар зиммасига юклатилаётган улкан ишонч ва масъулиятнинг ифодаси. “Янги тарих яратадиган авлод” деганда, ўз билим ва салоҳияти билан мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган, замонавий касбларни эгаллайдиган, илм-фан сирларини чуқур ўрганадиган, тадбиркорлик ва бунёдкорликка интиладиган, муҳими, ўзлигини англаган, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган ёшлар кўз олдимизга келади.

Бугунги йигит-қизлар кечаги авлоддан кўра кўпроқ ахборотни билади, уларнинг имкониятлари анча кенг, дунёнинг энг нуфузли университетлари, илмий марказлари, электрон кутубхоналари, таълим платформалари уларга очиқ. Бир неча тилни ўрганиб, хорижий тажрибани ўзлаштириш, халқаро танловларда қатнашиш, янги технологияларни эгаллаш учун эса имкониятлар етарли. Фақат улардан унумли фойдаланиш учун билим билан бирга ирода, мақсад, меҳнатсеварлик ва масъулият керак, ана шу фазилатлар эса тарбия билан шаклланади.

Келажак таълимининг бош вазифаси

Келажак таълимининг бош вазифаларидан бири — технологиядан фойдаланадиган эмас, технологияни инсон манфаатига хизмат қилдира оладиган шахсни тарбиялаш. Чунки эртанги куннинг олими ҳам, муҳандиси ҳам, шифокори ҳам, педагогию тадбиркори ҳам, давлат ва жамият бошқарувида фаолият юритадиган мутахассиси ҳам бугун таълим-тарбия олаётган ёшлар орасидан етишиб чиқади.

Шунинг учун ёшлар масаласига фақат уларнинг ўзига тегишли масала, деб қараш мумкин эмас. Бу оила, таълим, маҳалла, давлат ва бутун жамиятнинг умумий масъулиятидир. Бундай ишлар ҳар бир оиладан бошланиб таълим даргоҳларини ҳам қамраб олсагина, жамиятда ўзгариш бўлади.

Ана шу қадамлардан бири сифатида, қолаверса, талаба ёшлардаги шижоат, янги билимлар ва кексалардаги бой ҳаётий тажриба бирлашсин, деган мақсадда Бухоро давлат педагогика институти ҳудудида “Ёшлар боғи” ташкил қилинди. Йигит-қизларнинг машғулотлардан бўш вақтларда севимли масканига айланаётган бу мажмуада инклюзив таълим кабинети, дебат хонаси, кутубхона, шунингдек, инновацион агролабораторияда микроқўкатлар ва манзарали ўсимликлар етиштириш бўйича илмий-амалий тадқиқот маркази фаолият олиб бормоқда.

Қолаверса, боғда йирик ҳажмли монитор ўрнатилган бўлиб, унда ёшлар турли маънавий-маърифий фильмларни, спорт дастурларини томоша қилиши мумкин. Мазкур маскан истеъдодли ёшларимиз томонидан ҳудуд атрофида яшовчи кексаларга, яқин маҳаллалардагиларга концерт, шеърхонлик, турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган жойга айланган. Ёшу кексани бир жойга жамлайдиган ҳақиқий маънавият ва маърифат маркази очилишининг замирида ёшларни ислоҳотларнинг фаол бунёдкорлари қилиб воягa етказиш туради. Чунки улар нафақат келажак эгалари, балки бугуннинг ҳам фаол кучи ҳисобланади.

Бугун илмий изланиш олиб бораётган йигит ва қиз эртага янги илмий мактаб яратиши, ҳозир замонавий касбни эгаллаётган талаба эртага янги иш ўринларини очадиган мутахассисга айланиши, турли стартап ғоялар устида ишлаётган навқирон авлод вакили эртага иқтисодиётнинг янги йўналишига асос солиши мумкин ёинки бугун китоб ўқиб, ўз устида ишлаётган ёшлар эртага жамиятнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатадиган зиёли бўлиши мумкин.

Шу сабабли, ёшга фақат “тарбия қилиниши керак бўлган шахс” сифатида қараш эмас, уларга ишониб қанот бўлиш, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш даркор. Чунки уларга ишонч билдирилса масъулиятни ҳис қилади ва ўз имкониятини намоён этади, демак у жамият тараққиётига ҳисса қўшади.

Тарбия — миллатнинг эртанги тақдири

Таъкидлаш жоизки, ёшлар масаласи доимо давлат сиёсатининг марказида бўлиб, улар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, муаммоларини ўрганиш, таълим ва бандлигини таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш бўйича мамлакатимизда ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолиятининг йўлга қўйилиши, муаммоларни бевосита жойларда ўрганиш ва таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган тизимли ёндашув бунга мисолдир. Бу жараённинг энг муҳим жиҳати шундаки, ёшлар масаласига эндиликда алоҳида бир йўналиш сифатида эмас, жамият тараққиётининг муҳим таркибий қисми ўлароқ қаралмоқда.

Бугун мамлакатимиз олдида улкан мақсадлар турибди. Бизга билимли, маърифатли, ватанпарвар, замонавий тафаккурли, миллий ўзлигини англаган, касбий жиҳатдан етук ва маънавий баркамол ёшлар керак. Ана шундай авлодгина мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига олиб чиқа олади. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш, илм-фан ҳамда инновацияларни ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш каби эзгу мақсадларнинг барчаси бир ҳақиқатга бориб тақалади.

Билимли, маърифатли, маънавиятли, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган ёшлар бор экан, мамлакатимизнинг келажаги ҳам, унинг тараққиёти, маънавий қиёфаси ҳам ишончли қўлларда бўлади. Уларнинг бугунги тарбияси эса миллатнинг эртанги тақдиридир.

Баҳодир МАЪМУРОВ,
Бухоро давлат педагогика институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

2026 йил 1 декабрдан Туризм қўмитаси ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти гидлар (гид-таржимонлар)га уларнинг хоҳиши бўйича ҳаваскор, ихтисослашган ёки профессионал малака тоифасини бериш ваколатига эга бўлади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 9 сентябрь

САНГАРДАК МЎЪЖИЗАСИ



Сангардак шаршарасига бир гуруҳ ижодкорлар билан бирга бордик.

Автобусдамиз... мушоира авжида. Дилбар шеърлар айтилди, Алишер Навоийдан ўқилди:

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

Хаёлингиздан ўтади: Алишер Навоий — буюк шаршара. Абадий отилаётган ёруғлигу нур фаввораси.

Термиздан Сангардаккача йўл уч соатдан кўпроқ... Мушоира тўхтамади. Бобурдан Машрабгача, Машрабдан Огаҳийгача, Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ижодларидан ўқилди. Гўё уч дақиқада Сангардакка етиб келдик. Бунақаси ҳеч бўлмаган.

Табиат ва биз

Кўз ўнгимизда мўъжиза. Бир томонда тоғ, пастда сой, ўртада, еру осмон оралиғида Сангардак шаршараси.

Ҳамроҳларимиз — бари ёш ижодкорлар, юракларидаги олтин мисраларни ҳаётга, элга нурдай сочаётган шаршаралар.

Буюк шаршарага ёш шаршаралар ҳайрату лол нигоҳ ташлайди. Энтикиб тикилади. Ҳаяжонда боқади. Шаршаралар ичида қоласиз. Яйрагандан яйрайсиз. Олам қанчалар гўзал...

— Сурхон ёш ижодкорларининг Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган семинар мушоирасини очиқ деб, эълон қиламан...

Олқишлар тоғда акс садо қайтарди.

Мушоирани истеъдодли ижодкор Лобар Бердиева бошлади... Мушоиранинг шаршарага айланганини кўрганмисиз? Қалблар ловуллайди.

Қудрат ака билан боғ йўлагидамиз. Ёнимизда Норқувват Тўраев, устоз Абдулла Холмирзаев бизга қўшилди.

Сизларга савол:

— Бирингиз 70 ёшда, бирингиз 80 дан ошдингиз. Сангардак шаршарасига кўп келгансиз, а?

— Ҳа-ҳа...

— Ким шаршаранинг тепасига, ундан баландга чиққан?!

Ҳамма жим. Наҳотки, бирон киши кўрмаган бўлса?

Ортимиздан адиб Йўлдош Мирзаев етиб келди:

— Сиз ҳам Сангардак шаршараси устида нима бор, билмайсизми, кўрмаганмисиз?

— Э, йўқ... Жуда баландда нима бор у ёқда. Айтолмайман...

Норқувват ака луқма ташлади:

— У ёққа вертолёт керак...

Ўртага сукунат чўкди. Жимликни Қудрат Шарипов бузди.

— Энди мени эшитинг... демак, битта мен ўша шаршаранинг устига, осмон остига чиққанман. Кўрганман!

Ҳаммамиз Қудрат акага, илоҳий бир одамга ногоҳ дуч келгандай қарадик.

— Э-э, шундай демайсизми... бизни синагандай бўлиб жим турасиз. У осмон томонларда, булутлар сузган баландликда нима бор? Сойми, дарёми? Шаршара суви қаердан келяпти?

Абдулла ака салмоқланди.

— Ўша сойда тоғ балиғи сузиб юрадими? — Йўлдош бобо кулди.

— Шошманг, энди мени эшитинг, — Қудрат ака тез-тез гапнинг индаллосини айтиб қўймай, адибларнинг ичини ёндирарди. Шунда билдим, “Энди мени эшитинг” Қудрат ака гапининг “ўроли” экан — кўп ишлатадиган сўзи. Шундай дедими, айтадиган дарди бор. Эшитадиган одам керак.

— Бир сафар дўстлар келдик. Қайсарлигим тутди. Нега Сангардак шаршарасига, ҳа деб, пастдан қараймиз?

Ў-ҳў, қанча баланд. Тоғнинг тепасига борсак, шаршаранинг устидан, осмону фалакдан пастга, сойга, сув тушаётган жойларга қарасак... Кўриб турганимиздан ҳам мўъжиза бўлса-чи?!

Ҳамроҳим сўради:

— Қудрат, ўзи у ёқда нима бор? Сойми, чўққими, боғми, дарёми?

— Энди мени эшитинг, нима борлигини қаердан билайин. Кетдик. Кўзимиз билан кўрайлик.

Суҳбат бўлинди. Болалар шоири, публицист Хуррам Райимов гурунгга қўшилди...

Норқуват Тўраевнинг тоқати тоқ бўлди:

— Дангалини айтинг-да, у ёқда нима бор? Чиқа олдиларингизми?

Қудрат ака бир лаҳза тин олди:

— Тоғнинг тепасига чиқиш... Эна сутимиз оғзимизга келган. Чиқмаган номард деганмиз-да. Йўлбарс йўлидан қайтмайди. Йўл оғир, сўқмоқ... Даралардан ўтади. Баландлаб айланиб, боряпмиз... Худонинг ўзи сақлади. Йўл йўқ, ҳисоб. Ҳолдан тойдик. Ортга қайтмадик. Йўл — тошларнинг устидан, жарликлар ичидан... Тўғри борадиган йўлни биз топмадик. “Тоққа чиқмасанг, дўлана қайда”, дейди-ку...

Йўлдош бобо гап ташлади:

— Сиз тоғнинг тепасидаги йўлни айтасиз. Мен 15 йил олдин кўрганимда, тавбамга таянганман. Сангардак сой ёқаси бўйлаб келадиган йўл йўл эмас эди. Ҳар метрда ўнта чуқур, машина юролмасди. 45 километрга 4-5 соат вақтингиз кетарди. 5-6 йил бўлди. Узоқ эмас. Энди асфальтни кўринг. Кафтдай текис. Ярқирайди. Тоғнинг шамолида яйраб еласиз. Машина қийналмайди. 2017 йилгача ҳеч эътибор қилинмади. Қилса бўлар экан...

— “Сангардак” оромгоҳи энди қурилди, — қўли билан кўрсатади Хуррам ака.

— Ҳавода осма сим арқондаги дор йўли. Осмонда туриб борлиқни кўрасиз, — жилмаяди Ҳайдар шоир.

Мушоира томондан шеър овози келди:

Сен боримсан, юрагимда яшайсан, Ватан.

Гўдакларнинг кулгисига ўхшайсан, Ватан.

— Шоира Донохол Жумаева шеър ўқияпти, зўр ёзади, — деди Йўлдош бобо.

— Энди мени эшитинг, — Қудрат ака яна ҳаммани ўзига қаратди.

— Чиқиб бордик. Шундай чарчаганмиз, шундай сувсаганмиз. Йўлда жилғалардан сув ичмабмиз, энг баланддаги шаршарага айланаётган сойнинг сувидан ичамиз, деб, ният қилгандик-да...

Чиқиб бордик... ҳайрону лолмиз. Мен тошга ўтириб қолдим. Дўстларим:

— Э-э, Қудрат шунча сувнинг ичидан шундай ерга бизни олиб келдингми, — дейишди.

— У ерда нимани кўрдингиз?

— Адирлик, пастлик, тепалик, чуқурликлар... Бир томчи ҳам сув йўқ. Бундай, айтсангиз, чўлу биёбон, ҳар жойда тошлар.

— Дев урибдими?! — ҳайрон тикилди Йўлдош бобо!

— Йўғ-е, қанақасига? — Ҳайдар Тўраев ишонқирамай бошини орқага олди, — шунча шаршара қаёқдан келяпти бўлмаса? Ўзи... шаршаранинг устига чиқдиларингизми? Тоғу тошлар, жарлигу даралардан адашиб кетгандирсиз?!

— Йўғ-е, мени эшитинг-да... Шаршаранинг баландидамиз. Гўё булутнинг орасида юргандаймиз. Биз турган қоядан анча пастда, тошлар орасидан гўё чексиз зовликка томон сув сачраяпти. Тубига қарасангиз, бошингиз айланади. Юрагим орқага тортди, у баланд қоядан тош юмаласа ҳам майдаланиб-майдаланиб бориб, шаршара сувига қўшилиб кетади. Нима қилса ҳам омон қолмайди.

— Мен ҳайрон бўляпман... Шаршаранинг суви қаердан келяпти унда? — норози оҳангда Йўлдош бобо бошини чайқади.

> ***Йўлдош бобо гап ташлади:***
> ***— Сиз тоғнинг тепасидаги йўлни айтасиз. Мен 15 йил олдин кўрганимда, тавбамга таянганман. Сангардак сой ёқаси бўйлаб келадиган йўл йўл эмас эди. Ҳар метрда ўнта чуқур, машина юролмасди. 45 километрга 4-5 соат вақтингиз кетарди. 5-6 йил бўлди. Узоқ эмас. Энди асфальтни кўринг. Кафтдай текис. Ярқирайди. Тоғнинг шамолида яйраб еласиз. Машина қийналмайди. 2017 йилгача ҳеч эътибор қилинмади. Қилса бўлар экан...***

— Шаршара сувини қаердан олаётганини айтаймисизга? — қўлини ёйди Қудрат ака...

Шу лаҳза шоир Азим Зиё шошилиб яқинлашди:

— Устозлар, мушоира тугаяпти. Тушлик.

— Э-э, Сангардак мушоираси бўлса, биз шеър ўқимадик-ку, Азим Зиё, бу қандай ҳолдир? — ҳазиллашди Хуррам Райимов.

— Ҳозир тушлик. Мушоира ҳали давом этади, — деди Азим Зиё.

Дастурхон устида гурунг тўхтамади... Гоҳ тоғ, гоҳ шеър, гоҳ баҳс... Дилда ҳам, тилда ҳам адабиёт. Сангардак шаршараси адабиёту шеърият шаршараси ила туташиб борарди.

“Сангардак мушоираси”нинг “Энг яхши шеъри” танловида истеъдодли шоира Умида Муҳаммадиева олий ўринни эгаллади. Тоғлар бағрида юраклар ҳайқиради. Шеърлар, ғазаллар, бағишловлар. Ғолиб аниқланди. Ғолибларга китоблар, фаолларга совғалар улашилди.

Сурхондарё телевидениеси вакили Дониёрбекнинг гапи қизиқ бўлди:

— Ҳамма китоб олди, мен ҳам. Лекин бизда Одилжон деган тасвирчимиз бор, китоб деса, тоғдан ташлайди. Китобсиз ўтган кунини умрига қўшмайди.

Олисдаги тасвирчига ҳам Ёзувчилар уюшмаси китобларидан юборилди.

Йўлдош Мирзаев даврада:

— Азизлар, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг *“Кўнглим ҳаво олди бургут, сорларидан, Қарздорман Сангардакнинг қорларидан”,* деган мисралари бор. Мен ҳам “Сангардак” деган шеър ёздим... Яна сатрлар қушлардай учяпти...

Мушоира тошқинланди. Ёш истеъдодлар шеър ўқишларига ҳавасингиз келади.

Шиғил туйган олма дарахти, соясидамиз. Нарироқда мушоира ловуллайди. Бу томонда шаршара шовуллайди. Устозлар жам:

— Қудрат ака, Сангардак шаршараси шунча сувни қаердан олади?!

Бу савол кўнглимни қўймасди.

— Кейин билдим. Тоғшунослар айтди. Чўққидаги қор эриб, сув тошлар ичидан, қат-қатларидан, ғорлардан ўтиб, қуйига боради. Йўл тополмай баланд қоя ботини ичидан юқорилайди. У ерда шаршаранинг устида улкан, жудаям улкан това тош... Тошнинг ичи ақлбовар қилмас ғор. Косаки усти ёпиқ... Худди ғор. Бунда кўл пайдо... Сув баланд тоғдан келяпти. Шаршара қоя томондан, юксакдан, осмонийликдан отиляпти... Ана шу Сангардек шаршараси...

Тоғу чўққилар мўъжиза шаклида сувларини шаршарага, чексиз гўзалликка айлантириб, элга, ҳаётга тараттяпти. Одамлар ажиб гўзалликни симиряпти. Қалблари шаршара завқида шаршараланяпти...

Ёнимда адиб ва фермер Қудрат Шарипов:

— Ўқиганмисиз?

— Нимани?

— Буюк сайёҳ ҳақида?

— Ҳўш?!

— Қийналиб, азоб билан келган. Кўргану тоғларга, шаршарага қараб тош қотиб қолган.

Жилмайдим:

— Муболаға қиляпсиз, а?

— Йўқ, ростдан қараб тураверган. Чарчоғини унутган. Бошқача шавққа тўлган. Ёнидагиларга айтган:

— Ишонинглар, мен Аллоҳнинг мўъжизасини кўриб турибман.

Қудрат акага синчков тикилдим.

— Сангардак шаршарасини Аллоҳнинг мўъжизаси деяпти, нега? Қандай қилиб...

Шаршаранинг қуёшда қатраланиб, зарринланиб, нурларда ўйнаб, 18 ёшли гўзал қизнинг сочларидай таралаётган сувлари синоати сабоҳатидан ҳузурланиб, руҳланиб пастга тушаётган ёш шоирлар бизни чақиришди:

— Устозла-а-ар! Кетдик, мушоира боғига!

Кўп юрмадик. Бир нафаслик йўл. Ўнг томонда сой тошларга урилиб, тошқинланиб оқяпти. Юрагингизни тортади. Сой бўйига тушсам, дейсиз. Қанийди, сойнинг тиниқ сувларини самога сочсангиз. Минг йиллик дардлардан арийсиз. Руҳингиз қувват олади. Сой сувлари тошларга урилади. Дунё шундай. Руҳи равон бўлиб оқмайди. Туну тонгларнинг ичида, ғаму шодликларнинг чархпалагида бошига куёшни тутиб келажакланади.

Боғ. О, ғоят кўркам! Олмалар, ўриклар, толлар, тераклар... ерда эса кўмкўк майсалар. Ҳамон баҳор. Гўё боғнинг баҳорида шеъриятнинг шарори, шоирлар, устозлар, адиблар... Боғда адабиёт тўлқинланди. Шеърият боғнинг бағрида. Дунёга сиғмай кетасиз. Жаннатнинг ўзи-ку бу! Ижоду ижодкорлар кўнгилнинг етти минг рангида. Кўзларидан кўнгилларигача ҳаёт завқи, табиат жозибаси, тоғлар улуғлигининг кўркамлигию нафосатини жо айламоқда.

Ёшлар мушоираси... Буям шаршара. Шеърияту адабиёт мўъжизаси истеъдодлар юракларидан элга, ҳаётга тараляпти.

Сурхондарёда мўъжизалар, нажиб шаршаралар, эҳ-ҳе, қанчадан-қанча?! Тоғлари истеъдодли... Истеъдодларида тоғликлар кўринади. Уларга не-не кўнгиллар ҳайрат билан назар ташлаб турибди.

...Кетяпмиз. Шеърият шаршараси ичра... Сангардак шаршарасига ҳаяжонланиб боқаман. Буюк шоир Абдулла Ориповнинг Қайсин Қулиевдан ўгирган мисраларини кўнглимдан ўтказиб шивирлаяпман:

Замин мўъжизалар берару бизга
Эвазига фақат ҳайрат сўрайди.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Ташаббус

Бугун қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш, экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳар қачонгидан-да муҳим. Чунки глобал иқлим ўзгаришлари, транспорт-логистика билан боғлиқ муаммолар таъсири дунё бозорида яққол сезилмоқда, нарх-наво ошаётир.

БОҒ ЯРАТГАН АСЛО КАМ БЎЛМАС

Мана шундай мураккаб шароитда қайси давлат кўпроқ маҳсулот етиштирса, ўз эҳтиёжидан ортганини экспортга йўналтирса ютади, иқтисодиёти юксалади. Хўш юртимиз боғдорчилик тизимида қандай ўзгаришлар юз бераётир? Ички бозорни таъминлаган ҳолда экспорт салмоғини ошириш имкониятлари борми?

Бу ҳақда Агросаноатни ривожлантириш агентлиги директорининг маслаҳатчиси Мансур Йўлдошев шундай деди:

— Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 14 май куни ўтказилган йиғилишда эски ва самарасиз боғлардан буткул воз кечиш, интенсив саноатлашган боғларни кўпайтириш вазифаси қўйилганди. Ана шу топшириқ бизга куч берди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз бўйича жами 18 300 гектар майдонда янги мевали боғ ва токзор барпо этилди. Шунингдек, 22 200 гектарлик иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосилли боғ ва токзорлар ҳолати тубдан яхшиланди, юз минглаб ҳосилдор, маҳаллий шароитга мос, касалликларга чидамли мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Биласиз, бугун сув тақчиллиги ундан тежаб-тергаб фойдаланишни тақозо қиляпти. Буни тўғри англаган тадбиркорларимиз интенсив боғ ва токзорларнинг 5 160 гектарида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилишди. Шунингдек, боғ ва иссиқхоналарни барқарор сув билан таъминлаш мақсадида 177 та қудуқ ва насос станциялари ташкил этилди.

Йил бошидан буён барча тоифадаги хўжаликларда 1,3 млн. тонна мева ҳамда 200 минг тонна узум етиштирилган. Шунингдек, агрологистика марказлари қуввати 1,4 млн. тоннага етгани, мамлакатимиз бўйича мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва қуритиш бўйича қўшимча равишда 11 та лойиҳа ишга туширилгани ҳам эътиборга молик.

Айни чоғда Президентимизнинг тадбиркорлар билан Хоразмда ўтказилган очиқ мулоқотда таъкидланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда фаолиятимизни янада такомиллаштиряпмиз. Янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда, тизимга инновацион ишланмалар жорий этиляпти.

Агросаноатни ривожлантириш агентлиги масъулларининг айтишича, шу йил охирига қадар яна 26,6 минг гектар интенсив мевали боғ ва узумзорлар барпо этилади. Иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланган 14,9 минг гектар боғ ва узумзорлар қайта тикланади. Бу, ўз навбатида, республикамиз бўйича йиллик мева етиштириш ҳажмини 3,5 млн. тоннага, узумни 2,1 млн. тоннага етказиш имконини беради.

Албатта боғдорчилик кўчатчиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ва ташаббуслар билан чамбарчас боғлиқ. Йил якунига қадар Бектемир туманида 5 гектар майдонда замонавий “in-vitro” лабораторияси, 50 гектар оналик боғи ва кўчатзор ташкил этиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, хориждан данаксиз узумнинг 6 та нави келтирилиб, “in-vitro” технологияси асосида сертификатланган кўчатлар етиштириш режалаштирилган. Натижада юртимиздаги кўчатчилик хўжаликларида жами 25 млн. туп юқори сифатли ниҳоллар парваришланади. Сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонлар 12 минг гектарга, қудуқ ва насос станциялари сони эса 235 тага етказилади. Бу жараёнда, албатта, билимдон, боғдорчиликка меҳри баланд тадбиркорларнинг ташаббускорлигига таянилади.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

МАДРАСАДА ЯШАЁТГАН МОМО

Мабодо, дунё бўйлаб йўқолиб кетиш арафасида турган маданий мерос объектлари номи қоғозга туширилгудек бўлса, Бухоро шаҳридаги Мирзо Салимбек мадрасаси бу рўйхатдан ўрин олиши тайин. Мирзо Салимбек томонидан XIX аср охирида 13 ҳужрали қилиб қурилган бу ёдгорлик айни кунда нураб адойи тамом бўлмоқда.



Таассуф

Ажабланарлиси, 76 ёшли Салима момо Ҳотамова салкам ярим асрдирки шу мадрасада истиқомат қилиб келяпти.

— Бу ерга 1977 йилнинг 15 апрелида кўчиб келганмиз, — дея эслайди у. — Турмуш ўртоғим билан тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ташкилотида ишлардик. Уйсиз қийналганимиздан хабар топиб, шу ерда яшаб туришга рухсат беришган. Биздан ташқари яна икки оила турарди. Кейин улар уйли бўлиб чиқиб кетишди. Биз эса...

Салима момо шу қадимий гўшада бола-чақали бўлди. Фурсати етиб тўнғич ўғлини уйлантирди. Яшаш учун қулайлик яратиш мақсадида оила қўшимча бино қурди, дарвоза алмаштирилди. Оила учун ҳаммаси рисоладагидек туюлади. Аммо масаланинг нозик бир жойи бор. Зарур ҳужжатлар йўқлиги боис болаларни шу манзилда ҳисобга қўйиш имкони йўқ. Воқеалар ривожидан ўзиб айтиш мумкинки, бу ерга келин бўлиб тушганига 20 йил тўлган Сурайё Ғафурова ҳали-ҳануз расман ота-онасининг манзилида, икки фарзанди эса қайсидир бир қариндошлари хонадонида рўйхатдан ўтган.

Йиллар давомида ечимини топмаган бу масала охир-оқибат нафақат бир оилага, балки маданий мерос объекти саналган мадрасага ҳам зиён етказди. Унинг гумбазидан асар ҳам қолмади. Ҳужраларда ва уй сифатида фойдаланилаётган хона поли остида бир эмас, учтача қабр қолиб кетганини айтмайсизми? Пойдеворини тупроқ босабоса адойи тамом қилган бу ёдгорликдан нурсизгина бўлиб ташқи кўриниш қолди, холос.

— Агар рисоладагидек асраб-авайланганида, реставрация қилинганида бу мадраса сайёҳлар тез-тез келадиган қадимий кўчамизнинг файзли гўшаларидан бири бўлар эди, — дейди Салима момога ён қўшни, меҳнат фахрийси Матлуба Нарзиева. — Фикримча, маҳаллий ҳокимлик тегишли идоралар билан ҳамкорлик қилса, давлат муҳофазасида турган бу тарихий обидани сақлаб қолиш мумкин. Бунинг учун аввало, шу ерда умргузаронлик қилаётган оилага уй ажратилиши мақсадга мувофиқ. Токи, Салима момо ва унинг болалари азият чекиб қолмасин. Қолаверса, ҳозирги ёш авлод маҳалламиз, кўчаларимиз тарихини, миллатимиз фидойиларини билиши лозим. Мадрасани ўз ҳисобидан барпо этган Мирзо Салимбек номи унутилмаслиги даркор.

Бу фикрлар ўринли, албатта. Шу ўринда Мирзо Салимбек ҳақида қисқача тўхталиш фойдадан холи эмас. У 1850 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 20 ёшга кирганида Нарпай ва Зиёвуддин беклигида мирзолик вазифасида ишлаган. Кейин эса амирнинг махсус топшириғи билан ўн йилдан зиёд вақт мобайнида Тошкентда яшаган. 1885 йилда Петербургга юборилган элчилар таркибида Россияга сафар қилган. Кейин эса Бухоро миршаби, Яккабоғ, Нурота, Бойсун бекликлари ҳокими лавозимида ишлаган.

Амирлик қулагач Мирзо Салимбек шўро тузуми томонидан қамоққа олинади. Мол-мулки мусодара этилади. Аммо Бухоро Халқ республикаси ҳукумати уни ҳибсдан озод қилади. Негаки, Мирзо Салимбекдек илму маърифатли, донишманд кишилар жамият учун жуда керак эди. Шундан сўнг у Бухоро давлат кутубхонасида ишлайди. Бухорода илк музейни ташкил этишда жонбозлик кўрсатади. Илмий тадқиқот ишлари олиб боради. Қимматли маълумотларга бой “Таърихи Салимий” асарини ёзади. Мадрасани ҳам ўз ҳамёнидан қуриб, ёшларга билим бериш учун бу ердаги кутубхонани дарсликлар билан таъминлаган. Ер ва дўконлардан иборат мол-мулкини мадраса учун вақф қилган. Бинобарин, не-не умидлар билан барпо этилган бу тарихий обидани асраб қолиш жуда муҳим, нима дедингиз?..

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Ички ишлар вазирлиги Академияси факультетлари ва кафедралари мақбуллаштирилиб, улар негизида мактаблар ва шуъбалар ташкил этилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 19 279 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

ISSN 2010-8788

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.55 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6